

А ж р и м

2026 йил 27 январь куни, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди, Хонқа туман ИИБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси И.Шариповнинг раислигида, Ж.Қурамбаевнинг котиблигида, Хонқа туман прокурори катта ёрдамчиси А.Саидов, Хонқа туман ИИБ пробаця гуруҳи инспектори Ж.Атажанов ва маҳкум З.Сабиоровнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан маҳкум Сабиоров Зийнат Қадамбаевичга тайинланган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси кўриб чиқилди.

Сабиоров Зийнат Қадамбаевич,
1980 йил 4 сентябрь куни Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, “Аббос олонг” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Хонқа тумани, “Маданият” маҳалласи, Навоий боғ кўчаси, 379-уйда яшайди.

Суд, тарафларнинг фикрларини эшитиб, тақдимнома юзасидан тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасида, маҳкум З.Сабиоровни жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг 2023 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб тайинланган 3 йил озодликдан чеклаш жазосининг ўталмаган 10 ой 12 кунини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, маҳкум З.Сабиоров муқаддам, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг 2023 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан чеклаш жазосига судланган.

Суд тақдимномани муҳокама қилиб, иш материаллари билан танишиб, тарафлардан прокурор ёрдамчиси катта А.Саидовнинг тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган фикрини, Хонқа туман ИИБ пробаця гуруҳи инспектори Ж.Атажанов ва маҳкум З.Сабиоровнинг тушунтиришларини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 1-қисмида, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкинлиги, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги, шу модданинг янги тахрирдаги 3-қисми “б” бандида, оғир жинояти учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари



қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилганлигидан келиб чиқиб, маҳкум З.Сабиоров суд томонидан тайинлаган жазонинг учдан икки қисмидан кўпини, яъни 2 йил 1 ой 18 кунини ҳақиқатда ўтаганлигини, ўталмаган жазоси 10 ой 12 кунини ташкил қилишини, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандини қўллашга монелик қиладиган ҳолатлар йўқлигини эътиборга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Шу билан бирга, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 19-бандидаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, маҳкум З.Сабиоровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 10-қисми талабларини, яъни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир қилганлик учун ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиши ҳақида тушунтириш беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 541, 542-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Сабиоров Зийнат Қадамбаевичга нисбатан жиноят ишари бўйича Хонқа туман судининг 2023 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб тайинланган 3 йил озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 10 ой 12 кунидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум З.Сабиоровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 10-қисмида белгиланган талаблар тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси маълумот учун жазони ижро этувчи органга, шунингдек ички ишлар органларининг ахборот марказига юборилсин.

Ажримдан норози томонлар қонунда белгиланган муддат ичида Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида хусусий шикоят прокурор протест келитиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

И.Шарипов

